



Василий Минович Янушев (1852–1929) — Россия империяси армиясининг генерал-лейтенанти. Россия армиясининг Марказий Осиё юришларида, Хитой юришида, Рус-япон ва Биринчи жаҳон урушларида катнашган. «Жасорат учун» ёзувли олтин курул билан мукофотланган.

Таржимаи ҳол

Янушев 1852 йил 25 март (6 апрель) куни тугилган, Енисей губерниясидаги меросий дворянлар оиласидан. Сибир ҳарбий гимназиясида таълим олгандан сўнг, 1869 йил 14 август куни 4-Оренбург ҳарбий училищесига юнкер сифатида қабул қилинган. 1870 йилда Оренбург училищеси ёпилганидан сўнг, 3-Александров ҳарбий училищесига ўтказилган ва уни 1871 йил 24 август куни якунлаб, Оренбург казаклари кўшинининг отли артиллерия бригадасига старший хорунжий сифатида тайинланган.

Марказий Осиё юришлари:

1873 йилда Янушев Хива юришида катнашган ва бу жанговар хизматлари учун 1874 йилда сотник унвонига (1873 йил 15 июндан эътиборан) тайинланган. 1874 йил 13 январь куни казак ракетадивизиони кўмондони этиб тайинланган. Шунингдек, Кўкон юришида ҳам иштирок этган. 1876 йил 27 февралдан 4 апрелгача Кўкон хонлигига қарши ҳаракат қилаётган кўшинлар артиллерияси кўмондони ихтиёрида бўлган.

1878 йилдаги Кўлжа юришида иштирок этган.

**Хитой юриши:**

Янушев Хитой юриши давомида Жанубий Манжурия отряди артиллерияси кўмондони вазифасини бажарган. «Хитойликларга қарши жанглардаги жасоратлари учун» 1901 йил 11 июлда полковник унвонига тайинланган ва шу йили 18 августда «Жасорат учун» ёзувли олтин қурол билан мукофотланган.

**Рус-япон уруши:**

1904 йилда Рус-япон урушида қатнашган ва 43-артиллерия бригадасининг 1-дивизионини бошқарган. Туй-Сам-Хо қишлоғи яқинидаги жанговар ҳаракатларда икки марта яраланган.

**Биринчи жаҳон уруши:**

1914 йилда Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг, Янушев яна армияга қайтган ва 55-давлат ихтиёрийлари бригадаси кўмондони лавозимига тайинланган. Бироқ, 1916 йилда саломатлиги ёмонлашгани туфайли хизматидан ҳайдалган.

**Октябрь инқилоби ва кейинги ҳаёти:**

Октябрь инқилобидан сўнг Совет Россиясида қолган. 1929 йилда ОГПУ томонидан ҳибсга олинган ва бир неча ой қамоқда сақланганидан кейин отиб ташланган.

Абу Муслим